

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти
Ягона акциядорининг
4 – сонли қарори

2025 йил “ 27 ” август

Тошкент шаҳри

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – Жамият) барча 15 077 622 574 дона акциялари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли бўлиб, Жамиятнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан, Жамият Устави ҳамда Кузатув кенгашининг 2025 йил 19 августдаги 11-сонли ва 25 августдаги 12-сонли йиғилиш баённомаларига мувофиқ, қуйидаги масала кўриб чиқилди:

КУН ТАРТИБИ:

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан:

Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йил 19 августдаги 11-сонли ва 25 августдаги 12-сонли йиғилиш баённомаларига асосан Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси маъқулланган.

Шу муносабат билан, Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилди ва унга мувофиқ қуйидаги ўзгартиришлар киритилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 мартдаги “2025-2026-йилларда саноат учун муҳим минераллар хомашёси базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг қўшимча чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-128-сонли қарорининг 9-банди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 29 апрелдаги “Энергетика, геология ва тоғ-кон саноати соҳасидаги вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари фаолиятининг 2025 йил учун энг муҳим кўрсаткичларини (КРІ) тасдиқлаш тўғрисида”ги 276-сон қарорининг 13а-иловасига мувофиқ, Жамият балансидаги Марказий илмий-тадқиқот ҳамда Шимолий кон бошқармаси марказий физик-кимёвий лабораториялари бино, иншоотлари ва мулклар

мажмуаси, шунингдек, ушбу лабораторияларда ишлаб келаётган ходимлар, уларнинг мавжуд штат бирликлари билан биргаликда “Навоийуран” ДКга ўтказилган. Шунга кўра, Жамиятнинг умумий штат бирликлари сонидан “Навоийуран” ДКга ўтказилаётган 36 та штат бирликларини қисқартириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-70-сонли “2025 йил учун хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги Фармонининг 4-банди “б” кичик бандида давлат иштирокидаги йирик корхоналарда трансформация бўйича ўринбосар лавозимини молия, трансформация ва хусусийлаштириш бўйича биринчи ўринбосар лавозимига ўзгартириш чораларини кўриш белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 майдаги ПК-185-сон “2030 йилгача “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятини барқарор ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқариш ҳажмини ўттиз фойзга оширишга қаратилган инвестицион лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш ҳамда Жамият акцияларини халқаро фонд бозорида бирламчи (IPO) оммавий таклифи ўтказиш орқали жойлаштиришга муносиб тарзда тайёргарлик кўриш учун талаб этиладиган иш ҳажмини инобатга олиб, Жамиятда “Бош директорнинг иқтисод ва молия бўйича ўринбосари” лавозимини сақлаб қолган ҳолда “Бош директорнинг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари” лавозимининг номланишини “Бош директорнинг халқаро молия, трансформация, ва хусусийлаштириш бўйича биринчи ўринбосари”га ўзгартириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 25 июлдаги ПФ-117-сонли “Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 5-банди “а” кичик бандига мувофиқ, Жамият ташкилий тузилмасида “Маъмурий масалалар департаменти” таркибидан “Ҳужжатлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими” чиқарилиб, “Назорат ва ижро интизоми бўлими” сифатида бевосита Бошқарув раиси – Бош директор бўйсунувига ўтказиш.

4. Жамият Бошқарувининг 2025 йил 5 августдаги 70-сонли мажлис баённомаси ҳамда SRK халқаро консалтинг компанияси таклифлари асосида “Геомеханика бўлими”ни Жамият Марказий аппарати “Меҳнат муҳофазаси, sanoat хавфсизлиги ва экология (ESG) департаменти” таркибидан чиқариб, алоҳида бўлинма сифатида “Геомеханика хизмати”ни ташкил этиш.

5. Жамият Бошқарувининг 2025 йил 5 августдаги 70-сонли мажлис баённомаси ҳамда Rothschild&Co ва KPMG халқаро консалтинг компаниялари таклифлари асосида “Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш департаменти”ни Бош директорнинг трансформация масалалари бўйича ўринбосари бўйсунувидан чиқариб, бевосита Бошқарув раиси - Бош директор бўйсинувига ўтказиш.

Жамият Уставининг 13.6-банди, 10-кичик бандига мувофиқ, Жамиятнинг ташкилий тузилмасини, шунингдек, унга киритиладиган ўзгартиришлар Кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг, Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кун тартибидаги масала юзасидан Жамият Ягона акциядори **қарор қилади:**

1. Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йил 19 августдаги 11-сонли ва 25 августдаги 12-сонли йиғилиш баённомаларига асосан, Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Жамият Бошқарув раиси – Бош директор Қ.С. Санақулов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазири
ўринбосари

 **Х. Мустафаев**